

Мусулмонлар дунёси лигаси раҳбари Шри-Ланка ҳукуматига миннатдорчилик билдирди



20:30 / 05.03.2021 1132

Шри-Ланка ҳукумати Мусулмонлар Жаҳон Лигасининг (МЖЛ) Ислом қоидаларига мувофиқ коронавирусдан вафот этган мусулмонларнинг жасадларини куйдиришни тўхтатиш ҳақидаги илтимосига рози бўлди.

Бу ҳақда МЖЛ бош котиби Муҳаммад бин Абдулкарим Ал-Исога Шри-Ланка ташқи ишлар вазири Динеш Гунавардена маълум қилди.

Сухбат давомида Гунавардена «Ал-Исога Шри-Ланка ҳукумати МЖЛнинг талабига рози бўлганлигини айтди. Гунаварденанинг таъкидлашича, бу мусулмон давлатлари учун глобал йўналиш бўлган МЖЛ ва Шри-Ланка ҳукумати ўртасидаги яқин муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) бош котибияти ҳам Шри-Ланка ҳукуматининг қарорини мамнуният билан қабул қилди.

ИХТнинг хабар беришича, пандемия пайтида Шри-Ланка ҳукуматини бир неча марта мусулмонларни куйдиришдан бош тортиш ва уларни Ислом қоидаларига мувофиқ дафн этилиши талаб қилинган.

Хуршид Маъруф тайёрлади